

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Захириддин Муҳаммад Бобур номи Андижон Давлат университети

Дилмурод Қуронов

**Битирув малакавий ишлар
(методик қўлланма)**

Андижон - 2002

Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети Ўқув-
услубий кенгаши нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррир: профессор А.Нурмонов

Такризчилар: филология фанлари номзоди,
доцент Б.Жалилов
филология фанлари номзоди
Ҳ.Каримов

МУАЛЛИФДАН

Бакалавр таълимининг сўнгги босқичида бажарилувчи битирув малакавий ишларни тайёрлаш, ҳимоя қилиш борасида кейинги икки-уч йил давомида муайян тажрибалар тўплангани маълум. Шунга қарамай, битирув малакавий ишларнинг илмий савиясини, уларнинг сифатини ошириш йўлида ҳали кўп изланишимизга тўғри келади. Бу ишга барчамиз, профессор-ўқитувчилару талабалар бирдек катта эътибор билан қараб, астойдил ишлашимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Табиийки, битирув малакавий ишларнинг сифати-га айрича эътибор берилиши бежиз бўлмасдан, балки зарурий бир ҳодисадир. Зеро, ҳар қандай университет нуфузи, биринчи галда, у етиштираётган мутахассис савияси билан белгиланади. Битирув малакавий иш эса бўлғуси мутахассиснинг ихтисослик бўйича билимлари доирасини, илмий-ижодий фикрлай олиш даражаси, мустақил ишлаш, мустақил равишда конкрет масалаларни ҳал қила олиш қобилиятини яққол намоён этиб туради. Бас шундай экан, бу борада устозу талабалар муддаоси, мақсади битта бўлиши лозим: токи, бизда бажарилаётган битирув малакавий ишлари жаҳондаги энг нуфузли университетлар битирувчиларининг ишлари билан бўйлаша олсин.

Шу юксак мақсадни кўзлаб, битирувчи талабаларимизнинг изланишларида кўмак берар, деган ниятда мазкур қўлланмани тайёрлашга жазм қилдик.

Битирув малакавий ишларини бажариш. (умумий қоидалар)

Талабаларнинг аксарияти **битирув малакавий иш** (бундан кейин “малакавий иш”) дейилганда раҳбар тузган режа ва у тавсия этган адабиётларга таянган ҳолда ёзилган рефератив характердаги ишни тасаввур қиладиларки, бу мутлақо хато тушунчадир. Бунга амин бўлмоқ учун малакавий ишдан кўзланган **таълимий мақсад** нималардан иборат эканини тушуниб олиш зарур. Бакалаврият таълимининг якуний босқичида бажарилувчи малакавий иш тубандаги мақсадларни кўзлайди:

биринчиси — талабанинг тўрт йил давомида олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, олинган билимларни муайян илмий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва б. масалаларни ҳал қилишда қўллай олишга ўргатиш;

иккинчиси — талабани ижодий фикрлаш, ижодий ишлашга ўргатиш, қўйилган масалага ижодий ёндашиш, уни ҳал қилишда мустақил қарор қабул қила билиш қўникмаларини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш, ўзи қабул қилган қарор учун масъуллиқ ҳиссини тарбиялаш;

учинчиси — битирувчини ишлаб чиқариш, илм-фан, иқтисодиёт ва маданиятнинг ривожланиши шароитида мустақил фаолиятга тайёрлаш.

Демак, мазкур мақсадлардан келиб чиқсак, малакавий иш талабанинг бакалаврият босқичида олган сабоқларини амалиётга қай даражада тадбиқ эта олишини, илмий тадқиқот ишига лаёқатини, ижодий-илмий фикрлай олиш даражасини кўрсатувчи жажжигина мустақил тадқиқот бўлиши лозим.

Мазкур талабга жавоб берадиган малакавий иш ёзиш учун, аввало, шунга мос мавзу танлай билиш даркор. Яъни, танланган мавзу талабада юқоридагича сифатларини шакллантириш, ўзининг билими, ижодий-илмий фикрлай олиш лаёқатини, ички имкониятларини намоён этишга имкон бера оладиган бўлиши зарур. Бунинг учун малакавий иш мавзуси актуал, кам ўрганилган ёки янгича ёндошувни тақозо этадиган, илм-фан тараққиётининг ҳозирги босқичи ва истикболига мувофиқ келадиган бўлиши талаб қилинади.

Одатда малакавий иш мавзулари мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан ишлаб чиқилади, тегишлича муҳокама қилиниб, факультет ёки университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Малакавий ишлар мавзуларининг тасдиқланган йиллик рўйхати одатда битирув курсининг бошида эълон қилинади. Талабаларга малакавий иш мавзусини танлаб олиш (рейтинг кўрсаткичларининг камайиш тартибида) ҳуқуқи берилади.

Шуни эътиборда тутиш лозимки, ҳар бир мавзу кафедра муҳокамасига конкрет профессор-ўқитувчи томонидан тавсия этилган. Демак, мазкур мавзу бўйича бажарилажак малакавий ишга одатда унинг ўзи раҳбарлик қилади. Шунга кўра, мавзулар рўйхатини ҳар бир мавзу бўйича ишга раҳбарлик қилувчи профессор-ўқитувчини кўрсатган ҳолда эълон қилиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, бу ҳолда талаба нафақат мавзуни, балки иш раҳбарини ҳам танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Битирувчининг профессор-ўқитувчиларни яхши билиши, ҳар бирининг илмий изланишлари йўналишидан хабардорлиги, илгари ҳам ҳамкорлик қилгани (илмий тўғарақлар, курс ишлари ва б.) эътиборда тутилса, бу хил йўл самаралироқ бўлиши табиий.

Малакавий иш мавзусини талабанинг ўзи ҳам тавсия этиши мумкин. Бу ҳолда талабалар орасида иқтидорлилари борлиги, илмий тўғарақдаги фаолият ёки курс ишларини бажариш давомида уларни муайян муаммолар қизиқтириб қолган бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Малакавий иш мавзусини ўзи танлашга жазм этган талаба мавзунинг актуаллиги, унинг ишланиши мақсадга мувофиқлигини асослайди, унинг мақсад ва вазифаларини белгилайди ҳамда тахминий режасини кафедрага тақдим этади (бу иш кечи би-

лан III курс охиригача бажарилиши лозим). Албатта, буни талаба ўзи ҳамкорлик қилаётган профессор-ўқитувчи билан бамаслаҳат амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Талаба тавсия этган мавзу кафедрада қўрилиб, маъқул топилса, илмий кенгаш тасдиғи учун тавсия этилади.

Бизнингча, мавзунинг талаба томонидан тавсия этилиши мақбулроқ йўл бўлиб, буни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш керак. Чунки талабанинг муайян бир масалага диққат қилгани унинг мустақил фикрлай олишидан, зарур муаммони ажрата олишидан далолат беради. Боз устига, бунинг психологик жиҳатдан ҳам устун томонлари бор. Биринчидан, мавзунини ўзи тавсия этган талаба ишга катта маъсулият билан ёндошади, ўзинини тўла намоён қилишга интилади; иккинчидан, талабанинг ўзи бажараётган ишдан маънавий қониқиш ҳисси ортади.

Битирувчиларнинг мавзулари танлов асосида белгилаб бўлингач, ҳар бир талабанинг малакавий иш мавзуси ва унга бириктирилган раҳбар кафедра тақдимномаси бўйича ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

Малакавий ишга раҳбарлик. Малакавий ишнинг чин маънода мустақил иш бўлиши учун ишни бажариш давомида битирувчи ва раҳбар муносабатини тўғри тасаввур этиш керак. Афсуски, кўпинча талабалар малакавий иш бошдан-оёқ раҳбар кўрсатмаси билан ва унинг илмий қарашларига мос ҳолда (масалага ёндашиш, муайян ҳулосаларга келиш ва б.) бажарилади, деган янглиш тасаввурда бўладиларки, бу улардаги мустақил фикрлаш имкониятларини бўғиб, раҳбарнинг соясига айлантириб қўйиши мумкин. Малакавий иш учун танланган мавзу долзарб ва кам ўрганилган бўлиши лозимлигини айтиб ўтдик. Модомики шундай экан, битирувчи мавзунини раҳбари ҳам ипидан-игнасигача билмаслигини (чунки у ҳам мазкур муаммо билан махсус шуғулланган эмас), фақат умумий тарзда муаммонинг муҳим қирраларини назарий жиҳатдан тасаввур қилишини тушуниши керак. Талаба раҳбарда илмий тадқиқот методикасини ўзидан кўра яхшироқ эгаллаган, назарий тайёргарлиги ўзидан чуқурроқ бўлган ва шу жиҳатлардан унга маслаҳат бера оладиган одамни кўриши мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда, иш раҳбари ҳам битирувчида ўзининг илмий қарашларини такрорлаб ифодаловчи пассив субъектни эмас, балки қўйилган масалага ўзича ёндашиб, ўзининг мустақил, керак бўлса раҳбаридан фарқли ёки унга зид қарашларни ифодалаши мумкин бўлган тадқиқотчини кўрмоғи тўғрироқ бўлади. Шу хил ўзаро муносабат бўлсагина малакавий ишнинг чин маънода мустақил бўлиши, битирувчининг раҳбар соясига айланиб қолмаслиги таъминланади.

Ҳозирда амал қилинаётган тартибга кўра малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консультациялар ўтказади;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Кўриб турганимиздек, малакавий ишни талаба берилган топшириқ асосида мустақил бажаради, раҳбар эса маслаҳатчи функциясини бажаради, холос. Тўғри йўлга қўйилган битирувчи ва раҳбарнинг ижодий ҳамкорлиги икки томонлама фойдалидир: биринчидан, раҳбар ўргатибгина қолмайди, ўрганади ҳам; иккинчидан: ҳар иккаласи бутун иш жараёнида ижодий-илмий изланишда бўлади.

Малакавий ишни бажариш жадвали. Малакавий ишни бажаришга киришишдан аввал унинг бажарилиш жадвали (бундан кейин календар режа) тузиб чиқилади. Календар режани тузишга иш раҳбари масъул саналса-да, уни битирувчи билан биргаликда тузилгани мақсадга мувофиқдир. Календар режада бажариладиган ишлар навбати, муддати аниқ кўрсатилиши керак. Муддатларни белгилашда малакавий ишнинг оққа кўчирилган нусхаси ҳимоядан камида 15 кун илгари тайёр бўлиши лозимлиги эътиборда тутилади. Раҳбар маъқуллаган календар режа кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Талабанинг календар режага амал қилиши раҳбарнинг доимий назорати остида бўлади. Битирувчи календар режадаги ҳар бир банд бўйича ишнинг бориши ҳақида раҳбарга мунтазам ахборот бериб туриши, юзага келган муаммолар бўйича зарур маслаҳатлар олиб туриши кўзда тутилади. Бу нарса одатда раҳбарнинг кафедрадаги навбатчилик кунларида (шунингдек, ўзаро келишилган ҳолда бошқа кунлари ҳам) амалга оширилади. Бундан ташқари, факультет декани белгиллаган муддатларда битирувчи раҳбар ва кафедра мудирига ишнинг бориши юзасидан ҳисобот бериб боради.

Малакавий ишнинг тузилиши. Малакавий ишнинг таркибий тузилиши мавзунинг характери билан кўп жиҳатдан боғлиқлиги аён. Шундай бўлса-да, малакавий ишларнинг аксарияти учун умумий таркибий қисмлар мавжуд. Булар қуйидагилардир:

1. Титул варағи
2. Мундарижа
3. Иш мазмуни баёни.
4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
5. Иловалар (агар бўлса).

Титул варағида малакавий иш бажарилган олий ўқув юрти ва у мансуб бўлган вазирлик, иш бажарилган кафедра номи, битирувчининг исми ва фамилияси, мавзу номи, иш раҳбари кўрсатилади. (1-илова)

Титул варағидан кейинги варақда малакавий иш раҳбари, кафедра мудири, расмий тақризчи ва факультет деканининг имзолари бўлиши лозим. (2-илова)

Кўпинча малакавий ишларнинг бошида “мундарижа” эмас, “режа” берилади. Ишнинг охирида эса яна ўша “режа” такрорланади-да, саҳифалар кўрсатилиб, “мундарижа” деб номланади. Бизнингча, бу ўринсиз такрордир. Бу хил ортиқча такрордан қочиш ҳамда ўқувчининг ишини осонлаштириш учун малакавий ишнинг бошида мундарижа берилгани маъқулроқдир. (3-илова)

Иш мазмунининг баёни ўз ичига: а) кириш, б) асосий боблар, в) хулоса қисмларига бўлиниб кетади.

Кириш қисмида мавзунинг актуаллиги, илмий- амалий аҳамияти асосланади; ишнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилади; тадқиқот объекти ва методи белгиланади. Одатда кириш қисмида мавзунинг ўрганилишига тўхталиб, мавжуд адабиётларга обзор берилади. Лекин айрим ҳолларда, айниқса, баҳсли ёки тамомила янгича ёндашувни талаб қилинган мавзулар олинганда, мавзунинг ўрганилиши, муаммога турлича қарашлар масаласининг алоҳида бобга чиқарилгани мақсадга мувофиқдир.

Гарчи кириш қисми кўпчиликнинг назарида “шаблон”дай туюлсада, у муҳим таркибий қисмлардан биридир. Чунки бунда талабадан ўрганилаётган мавзунинг танланиш сабаби, унинг ишланиш зарурияти нимада эканини, кўзланган мақсадни ва бу мақсадга етиш учун бажариш лозим бўлган вазифаларни қисқа, лўнда қилиб тушунтириб бериш талаб этилади. Бошқача айтсак, кириш қисмига қараб тадқиқотнинг англанданлик даражаси ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлади.

Ишнинг нечта бобдан ташкил топиши, бобларнинг фасл(параграф)ларга бўлиниш- бўлинмаслиги бевосита мавзу, ишнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар билан белги-

ланади. Агар ишнинг мазмунини ёркинроқ ифодалаш, мавзуни изчил ёритиш учун боблару фаслларга ажратиш зарур бўлса, — ажратилади. Бобларга ажратилганда, уларнинг ҳар бирида конкрет масала қўйилиши, фаслларга бўлинганда эса ўша масаланинг узвий бир бўлаги диққат марказида бўлиши муҳимдир. Боб ва фаслларни лўнда, аниқ сарловҳалар билан таъминлаш керакки, улар боб ёки фасл мазмунини ёркин ифодалаб турсин. Одатда ҳар бир боб ниҳоясида хулосавий фикрлар бериладики, бу нарса конкрет масала юзасидан юритилган мулоҳазаларни умумлаштириб, ишнинг композицион бутунлигини, фикрнинг изчиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари, тадқиқот объекти таҳлилидан келиб чиққан асосий хулосалар берилади. Бу ўринда хулосаларнинг имкон қадар аниқ ва лўнда ифодаланиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки хулоса қисми битирувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришган ёки эришмаганини, вазифаларни қай даражада бажарганини яққол намоён қилиб туради. Табиийки, хулосалар талабанинг хусусий фактлар таҳлилидан илмий умумлашмалар чиқариш малакасини қай даражада эгаллаганини ҳам равшан кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам малакавий ишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Рўйхат битирувчи фойдаланган адабиётларнинг умумий сонидангина дарак бермай, унинг илмий тадқиқот юритиш маданиятини, манбалар билан ишлаш, зарур адабиётларни ажрата билиш малакасини нечоғлик ўзлаштирганини ҳам кўрсатади. Рўйхатнинг тузилиши фойдаланилган манбалар характери билан боғлиқ. Хусусан, ўзбек адабиётидан бажарилган малакавий ишларида рўйхатнинг қуйидаги тартибда тузилгани мақсадга мувофиқ:

Ишнинг методологик асосини белгилаган асарлар;

Мавзуга оид илмий асарлар, монографиялар;

Газета-журнал ва тўпламлардаги мақолалар;

Таҳлилга тортилган бадиий асарлар.

Агар ишда архив материаллари ёки музей фондларидан фойдаланилган бўлса, уларни алоҳида бўлим тарзида берилади. Адабиётлар рўйхати ҳар бир бўлим ичида алфавит тартибига риоя қилган ҳолда тузилади.(4-илова).

Айрим малакавий ишларда иловалар муҳим қўшимча маълумот берувчи манба бўлиб хизмат қилади. Илова қисмида ҳали эълон қилинмаган, бироқ ишда фойдаланилган архив ҳужжатларидан олинган нусхалар; ёзувчи архивида сақланаётган ва таҳлилга тортилган асар қўлёзмаларининг нусхалари, фотосуратлар, хотиралар каби манбалар берилиши мумкин. Агар малакавий ишда иловалар берилса, уларнинг ҳар бирини рақамлаб, саҳифанинг ўнг бурчагига “I илова”, “II илова” тарзида ёзиб қўйилади.

Малакавий ишнинг расмийлаштирилиши. Ишнинг қораламаси раҳбар томонидан маъқуллангач, талаба малакавий ишнинг сўнгги нусхасини тайёрлашга киришади. Малакавий ишнинг расмийлаштирилиши техник (5- ва 6-иловалар) ва грамматик қоидаларга тўла амал қилган ҳолда амалга оширилади. Малакавий ишни ёзув машинкасида, компьютерда ёки хушхат қилиб қўлда оққа кўчириш мумкин. Бизнингча, ишнинг узоқ вақт сақланиши, уни кўпчилик ўқиши мумкинлиги, ниҳоят, талабанинг биринчи мустақил тадқиқоти экани назарда тутилса, ёзув машинкаси ёки компьютерда кўчирилгани маъқулроқ кўрилади. Қўлёзми машинка ёки компьютерда тердиришга бериш олдидан битирувчи уни яна бир қарра кўздан кечириб, техник ва имловий хатоларини бартараф этиши лозим. Айтганча, ишдаги саналар, муаллифларнинг фамилиялари, саҳифалар, саҳифа остидаги изоҳлар, цитаталарга алоҳида диққат қилиш зарур. Қўлёзма машинкадан(принтердан) чиққандан кейин ҳам битирувчи уни кўздан кечириб, хатоларини тўғрилаши талаб қилинади. Ишнинг мазмуни яхши бўлса бўлди-да, дея расмийлаштирилиши, техник тарафларига эътиборсизлик билан қаралса, ишнинг умумий савиясига путур етиши тайин.

Малакавий ишнинг муаллифлиги. Битирувчи-талаба малакавий ишнинг ягона муаллифи саналади. Малакавий ишда бошқа муаллифларнинг ишларидан (илгари бажарилган диплом ёки малакавий ишлар, илмий мақолалар, монтографиялар ва б.), илмий натижаларидан фойдаланилган ҳолда уларнинг номлари кўрсатилиши шарт. Малакавий ишнинг муаллифлигига битирувчи ва иш раҳбари бирдек жавобгардир. Кўчирмачилик ҳолати ҳимоягача (иш раҳбари, кафедра аъзолари ёки расмий тақризчи томонидан) аниқланган ҳолда малакавий иш ҳимояга қўйилмайди. Мазкур ҳолат ҳимоя жараёнида аниқланса, иш ҳимоядан олинади.

Малакавий ишнинг ҳажми. Малакавий ишнинг ҳажми қайси фандан ёзилаётгани, танланган мавзу характерига қараб бир-биридан фарқланиши табиий. Шунга қўра, малакавий ишлар ҳажми 10-15 минг сўз ҳажмида бўлиши белгиланган. Демак, машинкада ёзилган бир саҳифада (саҳифадаги сатрлар сони 28-30 та, ҳар бир сатрдаги белгилар сони 58-60 та бўлган ҳолда) ўртача 200 та сўз бор деб ҳисобласак, малакавий иш ҳажми 50-75 машинка саҳифаси ҳажмида белгиланади. Малакавий иш компьютерда терилган ҳолда ҳам белгиланган ҳажм (Microsoft Word дастурининг 14 ўлчамли шрифтларида ёзилиб, сатрлар орасидаги интервал 1,5 қилиб олинганда) 50-75 саҳифани ташкил қилади. Бизнингча, талабларда белгиланган ҳажм ўзбек адабиётидан ёзиладиган малакавий ишлар мавзусини ёритиш учун энг оптимал меъёрдир.

Талаба шунинг унутмаслиги керакки, кўрсатилган ҳажм тахминий бир меъёрдир. Битирувчи ўз олдига қўйилган мақсадга бирмунча озроқ ҳажм доирасида тўла эришиши мумкинлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолларда ҳажмни сунъий “шишириш”га интилиш мақбул эмас — ишнинг сифатига путур етади. Агар раҳбар талабанинг малакавий ишдан кўзланган мақсадга эришганини таъкидласа, кафедра мудирини ҳимояга рухсат этса, иш истисно тариқасида ҳимояга қўйилавериши мумкин. Шунга қарамадан, битирувчи ишни режалаштиргандаёқ кўрсатилган ҳажм доирасига тушишга ҳаракат қилгани яхшироқдир.

Ҳимоя олдигаги ишлар. Малакавий ишнинг тугалланган нусхасига талабанинг ўзи имзо қўйиб, раҳбарга топширади. Раҳбар ишни кўриб чиқиб, малакавий ишга имзо чекади ва иш ҳақидаги муфассал ёзма хулосаси билан бирга кафедра мудирини топширади. Якунланган малакавий ишни кафедра қошидаги илмий тўғаракда муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу хил муҳокама битирувчинини чиниқтирадиган ҳимоянинг “репетицияси” бўлиш билан бирга, ишни мукаммаллаштиришга, зарур бўлса унга муайян тузатишлар киритишга имкон яратади. Илмий тўғарак йиғилиши ишни ҳимояга тавсия этган ҳолда, мажлис протоколи тегишлича расмийлаштирилади. Малакавий ишни ҳимояга қўйиш масаласини раҳбарнинг хулосаси ва илмий тўғарак мажлиси протокоliga таянган ҳолда кафедра мудирини хал қилади. Масала ижобий хал қилинган тақдирда¹, кафедра мудирини бу ҳақдаги қайдни малакавий ишга ёзиб, имзо қўяди. Ҳимояга рухсат этилган малакавий иш факультет декани томонидан тақризга юборилади.

Тақризчилар кафедра мудирининг тавсиясига асосан декан томонидан тасдиқланади. Тақризчи сифатида битирувчиларни истеъмор қилувчи соҳа мутахассислари, илмий муассасаларнинг ходимлари, бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари жалб этилиши мумкин. Декан расмий тақризчи жўнатган тақриз билан кафедра мудирини ва битирувчинини таништиради, сўнгра ишни тақриз билан қўшиб ҳимоя учун ДАКга тақдим қилади.

Малакавий ишлар ҳимояси. Малакавий ишларнинг ҳимояси ДАКнинг очиқ мажлисларида ўтказилади. Амалдаги тартибга қўра, битта малакавий иш ҳимояси учун 45 минутгача вақт ажратилади. Жумладан, малакавий иш мазмуни билан таништириш учун би-

¹ Кафедра мудирини малакавий ишни ҳимояга қўйиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида раҳбар иштирокида муҳокама қилинади. Бу ҳолда кафедра мажлиси протоколи ректор томонидан тасдиқланиши лозим бўлади.

тирувчига бериладиган вақт 20 минутдан ошмаслиги керак. Вақтнинг қисқалиги учун битирувчи ҳимояда ўқиладиган маъруза текстини олдиндан тайёрлаб олгани маъқул. Ўз маърузасида битирувчи малакавий иш мавзусининг ақтуаллиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот объекти ва манбалари ҳақида қисқача тўхталади. Шундан сўнг иш мазмунини бобма-боб мухтасар баён қилиш, унда чиқарилган асосий хулосалар билан таништириш ўринлидир. Маърузадан сўнг ДАК аъзолари ёки мажлис қатнашчилари битирувчига иш бўйича савол беришлари мумкин. Битирувчи бу саволларга аниқ ва лўнда жавоб беришга ҳаракат қилиши зарур.

Битирувчидан сўнг расмий тақризчига сўз берилиб, у ишнинг ютуқ ва камчиликларини умумий тарзда кўрсатади ҳамда ўзининг иш ҳақидаги асосий хулосасини баён этади. Расмий тақризчидан сўнг яна битирувчига сўз берилиб, у тақризчининг иш ҳақидаги фикрларига, эътироз ва мулоҳазаларига ўз муносабатини билдиради. Шундан сўнг мажлис қатнашчиларидан ҳоҳловчилар иш ҳақида фикр билдиришлари мумкин.

Ҳимоя сўнгида, агар зарур бўлса, сўз яна битирувчига берилиши, у сўзга чиққанларнинг фикрларига муносабат билдириши, баҳсли нуқталарни ойдинлаштириши мумкин.

Малакавий иш ҳимоясининг натижаси ўша кунёқ, протоколлар расмийлаштирилгач, эълон қилинади. Диплом ишлари “аъло”, “яхши”, “ўрта”, “қониқарсиз” баҳоланиши мумкин.

Ҳимоядан сўнг малакавий ишлар университет кутубхонасига топширилади, ўша ерда рўйхатга олинади ва камида 10 йил давомида сақланади.

Назарий характердаги мавзулар устида ишлаш

Ҳозирги адабиётшунослигимизда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларнинг аксариятига хос хусусият шундаки, уларнинг марказида муайян бир назарий муаммо ётади. Табиийки, бундай ишларда тадқиқот объекти ўша муаммо негизида тадқиқ этилади. Малакавий ишлар илм-фан тараққиётининг замонавий ҳолатига мувофиқ бўлиши лозимлигидан келиб чиқсак, аксарият малакавий ишларнинг мавзуси назарий характерда бўлиши табиий кўринади. Назарий характердаги ишлар сирасига “Лирик қаҳрамон –тарихий шахс”, “Адабий таъсир масаласига доир(А.Қаҳҳор ижоди мисолида)” “Ҳаётий факт ва бадиий талқин (“Бобурномада” ва “Юлдузли тунлар”) каби мавзуларда ёзилажак ишларни киритиш мумкин. Бу каби мавзулар олинганда, битирувчидан муайян адиб ижоди, конкрет асар таҳлили мисолида назарий муаммоларни, уларнинг айрим қирраларини ёритиш талаб қилинади. Биз юқоридаги мавзулардан бирини олиб, бу хилдаги ишларни қай тарзда бажариш мумкинлиги ҳақида айрим методик маслаҳатларни тавсия этмоқчимиз. Мисол учун “Лирик қаҳрамон-тарихий шахс” деб номланган мавзуни олайлик.

Мазкур мавзуни танлаган битирувчи билан илк суҳбатда раҳбар унинг актуаллиги нимадаю ўзининг тасаввуридаги иш қандай бўлиши кераклигини баён қилгани маъқул. Раҳбар мавзунинг актуаллигини қуйидагиларда кўради:

80-йиллар ўзбек шеъриятида тарихга мурожаат қилиш, тарихий шахслар образини яратиш тенденцияси кенг тус олади. Бу адабий ҳодисанинг объектив ва субъектив омиллари нимада? Мазкур ҳодиса шеъриятимиз учун тамомила янгиликми ёки ўз илдизларига эгами? Шоирларимиз тарихий шахслар образини яратишдан қандай ғоявий бадиий ниятни кўзладилар? Шеъриятимизда тарихий шахс образлари қай йўсин, қай усулларда яратилади? Мазкур тенденциянинг шеъриятимиз ғоявий-бадиий тақомилида роли қандай?— каби қатор масалалар борки, улар ҳали махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Мавзунинг ўрганилиши кўрсатилган адабий ҳодисанинг объектив ва субъектив омилларини, унинг шеъриятимиз тақомилидаги ролини очиб бериш билангина чекланиб қолмасдан, ижод психологияси, лирик субъект табиати, ижодкор ва жамият, тарихийлик ва замонавийлик каби қатор назарий масалаларнинг айрим қирраларини ёритишга ҳам имкон беради.

Раҳбарнинг тасаввурича, малакавий ишнинг асосий боблари иккита бўлади: уларнинг биринчисида лирик субъект (қаҳрамон) масаласидаги назарий қарашлар ҳақида сўз юритилса, иккинчисида — асосий мавзу ёритилади. Битирувчи шунинг унутмаслиги лозимки, раҳбарнинг ўзи мазкур муаммо билан махсус шуғулланган эмас. Шу боис ҳам битирувчи иш жараёнида малакавий ишнинг тузилиши ўзгачароқ бўлишини маъқул топса, бунинг ҳеч бир зарари йўқ. Аксинча, раҳбар билан кейинги суҳбатларда у ўз фикрини тушунтириб, асослай билса иш учун фойдали бўлади.

Раҳбар ўзининг тасаввуридаги иш, унинг тахминий режаси билан таништиргач, битирувчи малакавий иш юзасидан бажарадиган ишларнинг календар режасини (малакавий ишнинг бажарилиш жадвали) тузиб чиқиши зарур. Бу ишда битирувчининг фаол иштироки мақсадга мувофиқдир. Агар режа битирувчи билан раҳбар ҳамкорлигида тузилса янада яхшироқ бўлади. Режа тузишга жиддий қараб, шунчаки ҳужжат учун эмас, ишни битирувчининг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириши зарур. Зеро, илмий тадқиқот ишида вақтни тўғри тақсимлай билиш муваффақият шартларидан биридир. Жумладан, мисолга олинган мавзу учун қуйидагича режа таклиф қилинади:

“Тасдиқлайман”

ўзбек адабиёти кафедраси
муdiri проф. Ҳ.Солихова

Филология факультети битирувчи IY курс “А” гуруҳ талабаси _____нинг
“Лирик қаҳрамон — тарихий шахс” мавзусидаги малакавий ишини бажариш бўйича

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

№	Ишнинг номи	Муддати
1	Тадқиқот объектини белгилаш, дастлабки ўрганиш	30.09.01 гача
2	Мавзуга оид адабиётларни ўрганиш	31.12.01 гача
3	Тадқиқот объектини қайтадан таҳлилий ўрганиш, тасниф қилиш, ишнинг тахминий режасини тузиш, структурасини белгилаш.	31.01.02 гача
4	Ишнинг қоралама нусхасини ёзиш	15.03.02 гача

5	Раҳбарга қораламани кўрсатиш, зарур бўлса қайта ишлаш	5.04.02 гача
6	Ишни оққа кўчириш ва раҳбарга топшириш	25.04.02 гача

Иш раҳбари:

Имзо

Календлар режаси тузилиб, тегишлича расмийлаштирилгач, битирувчи унга қатъий амал қилиш лозимдир.

Бажарилиши лозим бўлган дастлабки иш **объектни белгилаш ва бирламчи ўрганиш** билан боғлиқдир. Бунинг учун битирувчи 80-йиллар ўзбек шеъриятини, хусусан, У.Азим, Х.Даврон, А.Суюн, Ш.Қурбон каби қатор шоирларнинг тўпламларини бир сидра кўздан кечириши даркор. Битирувчи бу иш учун алоҳида дафтар тутиб, таҳлилга жалб этилиши мумкин бўлган шеърларни кўчириб, хошияга илк таассуротлар, фикр мулоҳазаларини ёзиб боради. Мободо тўплам бутун иш давомида битирувчи қўл остида бўлса, саҳифаларни, айрим фикрларни қайд этиш кифоя. Тўпламларни синчков кузатиб, тарихий шахс образи яратилган шеърларни биратўла группалаштириб, хомаки тасниф қилиб борилса, иш анча олдинга силжийди. Тарихга, тарихий шахс образига мурожаат қилиш 80-йиллар шеъриятига хос ижодий тенденция бўлганига амин бўлиш учун ўша йилларда чоп этилган журналлар, хусусан, “Ёшлик” ва “Шарқ юлдузи” таҳламларини кўздан кечириб чиқиш фойдалидир. Бунда ёшлар шеъриятига, шеърият ҳақидаги адабий -танқидий мақолалару бахсларга, ижодкорларнинг интервьюларию публицистик чиқишларига айрича эътибор бериш, мавзуга алоқадор ўринларини кўчириб олиш зарур.

Кўриниб турибдики, режадаги биринчи пунктнинг бажарилишиёқ битирувчидан жуда катта меҳнатни талаб қилади. Режада эса бунга атиги бир ой вақт ажратилган. Вақт камлик қилмасмикин? Йўқ. Гап шундаки, битирувчининг малакавий ишига тайёргарлиги илгарироқ, курс ишини бажариш пайтидаёқ бошланган. Аниқроғи, мавзуни белгилаш пайти раҳбар уни бажариши мумкин бўлган битирувчини ҳам назарда тутган. Курс иши ёзиш пайтида масаланинг моҳиятига озми кўп кирган, тадқиқот объектини қисман ўрганган битирувчидан энди фақат муаммони чуқурроқ ўрганиш, таҳлил доирасини кенгайтириш талаб қилинади, холос. Шу боис ҳам, такроран айтамизки, малакавий иш устидаги ишни битирувчи эртароқ, ҳеч йўқ III курсда бошлагани мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётларни ўрганишга режада кўп вақт ажратилгани бежиз эмас. Бунинг сабаби шундаки, малакавий иш ёзаётган битирувчи назарий билим асосларини пухталасагина ишни муваффақиятли бажариши мумкин бўлади. Юқорида айтилганидек, мавзу махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Хўш, у ҳолда битирувчи қайси назарий масалаларга диққатни жалб қилиши лозим? Бизнингча, мавзуни ўрганаётган битирувчи лирик тур ва унинг хусусиятлари, лирик субъект (қахрамон) ва унинг табиати, ижод психологияси, тарихийлик ва замонавийлик каби масалаларга бағишланган ишлар билан танишиши фойдалидир. Раҳбар тавсия этадиган асосий адабиётлар қуйидагилардан иборат:

1. Адабиёт назарияси. - 2 жилдлик. - Т.: Фан, 1978-79.
2. Адабий турлар ва жанрлар. Лирика. 3 жилдлик. 2-жилд. - Т.: Фан, 1992.
3. Арнаудов М. Психология литературного творчества. - М., 1970.
4. Боров Ю. Эстетика. - М., 1988.
5. Вүготский Л.С. Психология искусства. - М., 1987.
6. Хализев В. Теория литературѳ. - М., 1999

Тавсия этилган адабиётларда юқорида санаб ўтилган масалалар билан бир қаторда бошқа муаммолар ҳам ёритилган. Вақтни тежаш ва фикр изчиллигини йўқотмаслик учун

уларнинг мавзуга алоқадор ўринларини кўриш билан кифояланиш тавсия этилади. Масалан, битирувчининг М.Арнуадов асаридаги “вживание” (эврилиш) тушунчаси билан боғлиқ ўринларни, Ю.Борев китобидаги бадиий асар таҳлили методологиясига бағишланган бобларни алоҳида эътибор билан кузатиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Кўпинча битирувчиларимиз “тушунмайман” деган баҳона билан рус тилидаги адабиётларни кўришмайдики, бу катта хато ва ютқизикдир. Маълумки, илм-фан тараққиёти илмий ахборот алмашувисиз мумкин эмас. Рус тили орқали эса нафақат рус, балки жаҳон адабиётшунослиги, эстетик тафаккурининг ютуқларидан ҳам баҳраманд бўлиш мумкин. Фикримизнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилиш учун Бобур номидаги кутубхонага бирров кириб боқинг: рус тилидаги адабиётшуносликка оид ишлар салмоғи олдида ўзбек тилидагилари нечоғли оз эканига амин бўласиз. Иккинчи томондан, ҳозирги талабаларда инглиз тилидаги адабиётлар билан танишиш, хусусан, интернет орқали мавзуга оид янгиликлардан бохабар бўлиш имкониятлари ҳам кенг. Бас шундай экан, ҳар қандай баҳонани йиғиштириб, имкон қадар тушунишга, хорижий адабиётшуносликдаги янгиликлардан баҳраманд бўлишга интилиш лозимдир.

Тавсия этилган адабиётларнинг мавзуга алоқадор ўринлари билан танишгач, битирувчи энди қўшимча манбаларни излаб топиши ва ўрганиши лозим. Кутубхона фондларидан фойдалана олиш, зарур манбаларни топа билиш малакаси илмий тадқиқот ишида жуда муҳимдир. Мавзуни ёритишда яна қандай материаллар аскотиши мумкин? Бизнингча, битирувчи изланишни қуйидаги йўналишларда олиб боргани маъқул:

- * Ҳозирги ўзбек шеърияти масалаларига бағишланган илмий асарлар, мақолалар.

- * Тадқиқот объекти сифатида олинган шоирлар ижодига бағишланган адабий-танқидий чиқишлар.

- * Ўша ижодкорлар тўпламларига ёзилган тақризлар.

Тадқиқот объектини белгилаш жараёнида бу ишларнинг бир қисми йўлакай бажарилиб, дафтарга қайдлар қилинган эди. Энди битирувчидан ўша ишни кенгроқ доирада давом эттириш талаб қилинади.

Материалларни излашни Бобур номли вилоят кутубхонасининг библиография бўлимидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур бўлимда битирувчи универсал библиографик кўрсаткичлар ва солномаларнинг 80-90 йилларда чиққан сонларидан фойдаланади. Булардан ташқари, агар топишнинг имкони бўлса, “Адабий ҳаёт” (Ўзбек адабиётига оид материаллар солномаси) номли махсус библиографик кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Қўлланмалар билан ишлаш учун алоҳида, ихчамроқ дафтар тутилгани маъқул. Қўлланмаларнинг адабиётга оид бўлимларидан, қисқача аннотацияни кўриб, зарур материаллар ажратилади ва дафтарга библиография қоидаларига мувофиқ ёзиб борилади.

Рўйхатни тузиб олгандан сўнг ишнинг, таъбир жоиз бўлса, “кўпроқ оёқлар билан” бажариладиган қисми бошланади. Бундай дейишимизнинг боиси шуки, рўйхатдаги материалларнинг ҳаммаси университет кутубхонасидан топилиши душвор. Шундай экан, битирувчи шахримиздаги бошқа кутубхоналар фондларидан ҳам фойдаланиши зарур. Университет кутубхонасида бор материаллар билан танишгач (кўрилганлари рўйхатга белгилаб борилади), Бобур номли кутубхонага, сўнг, зарурат бўлса, шаҳар кутубхонаси, (ёзлик “Шарқ” кинотеатри ва ўқувчилар саройи оралиғида жойлашган), Вилоят болалар кутубхонаси (темир йўл вокзали доираси)га бориб ишлаш тавсия этилади.

Агар кўрилган мақола ёки тақризларда қизиқарли, бахслашиш мумкин бўлган ўринлар учраса, уларни эринмасдан дафтарга кўчириш, кўчирма манбасини аниқ қайд этиб бо-

риш лозим. Сабабки, кейинча кўчирма ишга киритилса, саҳифа остида изох бериш талаб қилинади.

Учинчи босқич ажратиб олинган шеърларни ўзлаштирилган назарий билимлар асосида қайта кўриб чиқишдан бошланади. Материалларни ўрганиш жараёнида битирувчи тасаввурида малакавий иш структураси анча шаклланиб қолгани табиий. Энди уни жиддий ўйлаб, раҳбар тасаввуридаги иш билан қиёслаган ҳолда, малакавий ишнинг структурасини белгилаш лозим. Ишнинг неча бобдан ташкил топиши, қайси бобда қайси масалалар қўйилишини пухта ўйлаб, боблар номланади. Шундан кейингина малакавий ишнинг кенгайтирилган режаси тузилади. Режа тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

КИРИШ.

I боб. 80-йиллар шеърлятида тарихий мавзу.

Бу йиллар шеърлятида тарихга мурожаат қилишнинг кучайиши. Бу ходисанинг омиллари. Тарих — лирик медитация воситаси сифатида. Тарих — бугунни тушуниш воситаси. Тарих — дардни ифодалаш воситаси. Лирикада тарихийлик ва замонавийлик масаласининг ўзига хослиги.

II боб. Лирикада “эврилиш” ходисасига доир.

Лирик қаҳрамон тушунчаси. Лирик қаҳрамоннинг доим ҳам шоирга тенг эмаслиги — “ижровий” (“ролевўе”-Г.Поспелов) шеърлар. Бошқа шахслар руҳига киришга интилиш, кира олишнинг психологик асослари ҳақида (М.Арнуадов). Шоирлар руҳига киришга кўпроқ ҳаракат қиладиган шахс типлари. Бунинг руҳий ва эстетик асослари. “Роль” ва ҳаётий ҳолат муносабати. Лирик “мен”нинг ўтмишга кўчиши ва бадиий вақт ҳиссининг “мен-ҳозир” тарзида қолиши. Бунинг лирик асарнинг актуал қатламига таъсири.

III боб. Лирикада тарихий шахс. Талқин ва тасвир.

Тарихий шахс образи яратилган шеърлар таснифи: персонаж, ҳамсуҳбат, қаҳрамон. Лирик субъектнинг “бўлиниши”. Тарихий шахсларни тушунишдаги умумийлик ва индивидуаллик, бунинг омиллари.

ХУЛОСА

Тахминий режани тузиб олгач, битирувчи уни раҳбар кўригидан ўтказиб олиши мақсадга мувофиқ. Режани кўрсатиш олдидан битирувчида икки турли руҳий ҳолат бўлиши табиий: биринчиси — “ишқилиб маъқулласин-да!” иккинчиси — “режам маъқул бўлмаслиги мумкин, лекин энг тўғри йўл — шу!”. Бизнингча, битирувчининг иккинчи ҳолатда бўлгани маъқул. Чунки бу ҳолда ҳаёлан (эҳтимол реалликда ҳам) раҳбар билан том маънода ижодий баҳс кечадики, бундан малакавий иш ҳам, унинг бажарувчиси ҳам фақат ютади.

Ишнинг қораламасини ёзганда хушхатроқ бўлиш тавсия этиладики, ёзувингизни бошқа биров ўқиши кераклиги эътибордан четда қолмасин. Бундан ташқари, раҳбар қораламани қўлда қалам билан ўқишини ўйлаб, сатр ораларини очиbroқ, ҳошия қолдириб ёзилгани маъқул. Қораламани бобма-боб ёки бутунисича раҳбарга кўрсатилади, зарур жойлари қайта ишланади. Раҳбар маъқуллагандан сўнг эса фақат оққа кўчириш қоладики, бу ҳақда аввалги бўлимда тўхталдик.

Андижон адабий муҳитини ўрганишга бағишланган малакавий ишлар

Андижон замини миллий адабиётимизни ривожлантиришга муносиб хисса қўшган дилбар шоирлару нуктадон адабиётшуносларни етишпирганки, бу билан биз, андижонликлар, ҳар қанча фахр этсак арзийди. Фахрланиш-ку, ўз йўлида, кўнгилга бошқа бир андиша инади: ҳўш, биз — андижонликлар — адабиётимиз заҳматкашларининг ҳаётлигида ҳурматларини, ўтганларидан сўнг хотираларини доим ҳам бажо қилолдикими? Бу саволга дадил “ҳа” дейишга журъати етмайди кишининг, иккиланиб қоласан...

Ўнлаб шоирлару фозилларимиз хонадонларида, вилоят музейларида ётган қўлёзмалар; раҳматлиларнинг дилбар суҳбатларини олган ёр-биродарларию миннатдор шогирдлари дилидаги ўчмас хотиралар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётгани сир эмас...

Камтар-камсуқум ҳаёт кечирган, шоирликни асло даъво қилмасдан яшаб ўтган, дили алам ёхуд қувончга тўлганда ёлғиз дафтар билангина сирлашган нозиктаъб зиёлиларимиз, отинбибиларимиз қанчайкин? Уларнинг дафтарларидан дилбар ғазаллар, пурфикр рубоийларию қитъалар, теран мушоҳадаларга бой маснавийлару улуғлар билан ижодий баҳсга журъат этиб боғланган таҳмислар жой олмаганмикан?..

Ҳозирда айни ижодий етуклик палласига кирган, вилоят ва жумҳурият миқёсида танилган адибу шоирларимиз-чи? Уларнинг ижодини тадқиқ этиб, ўзига хос жиҳатларининг, асарларидаги турфа товланишлару жозибанинг инкишоф этилиши маданий-адабий муҳит ривожини учун нечоғли муҳимлигини гапирмаса ҳам бўлади.

Шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ ўзбек адабиётига ихтисослашган кафедрамизнинг асосий иш йўналишларидан бири маҳаллий адабиётни ўрганиш бўлиши лозим, деган тўхтамга етаклайди. Айниқса, битирувчиларимизнинг малакавий ишлари мавзулари шу йўналишда белгиланса, улар ўзларининг илк тадқиқотларини шу каби хайрли ишлардан бошласалар, - нур устига аъло нур. Зеро, “ватанни севмоқ иймондандур” дейилади ҳадиси шарифларда. Ватан эса, маълумингизки, ўз уйинг остонасидан бошланади.

Бизнингча, Андижон адабий муҳитини ўрганиш бўйича ёзиладиган малакавий ишлар адабий портрет, обзор, текстологик, библиографик йўналишларда бажарилиши мумкин.

Адабий портрет характеридаги ишларда муайян ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти умумий, хронологик тарзда ўрганилади. Бошқача айтсак, адабий портрет муайян адиб, шоир ёки олим ижоди бўйича олиб борилажак кейинги тадқиқотлар учун дебоча,

ўзига хос таянч нуқтаси бўлиб қолиши керак. Бундай ишларнинг тадқиқот объекти сифатида В.Саъдулла, Анисий, Махжурий, Улфат, Боқир, Ҳ.Раззоқов каби олим ва шоирлар олиниши мумкин. Аввало шуни таъкидлаб айтиш лозимки, бундай мавзунини танлаган битирувчи ишни имкон қадар эрта бошлагани маъқул. Бизнингча, битирувчи ишни ўша ижодкорни яқиндан билган кишилар билан суҳбатлашиш, хотираларини ёзиб олишдан бошлагани мақсадга мувофиқ. Хотиралар ёзиб олишни биринчи навбатга қўйишимизнинг сабаби: биринчидан, бу иш бошқаларига нисбатан енгилроқ, яъни, махсус тайёргарликни талаб қилмайди; иккинчидан, битирувчи хотиралар ёзиб олиш жараёнида ўзи ўрганаётган ижодкорга руҳан яқинлашади, бу ишнинг муваффақиятли бажарилиши учун яхши заминдир.

Албатта, ёзиб олинган хотиралар ишнинг асосий қисмига кирмайди, уларни илова қилинади. Лекин битирувчи мавзунини ёритиш учун зарур ўринларда уларга таяниши мумкин. Шунинг учун хотираларни ёзиб олишда маълум тартибда риоя қилинади:

- * хотира эгалари кўпроқ кексаларимиз бўлгани учун битирувчи уларнинг ҳикояларини батафсил ёзиб олади;

- * ёзилганларни кўриб чиқиб, уларни услуб ва композиция жиҳатидан яхлит ҳолга келтиради, машинкалайди;

- * хотира айтиувчига ўқиб эшиттириб, остига имзо қўйдиради. Имзони хотира эгаси яшайдиган маҳалла комитети ёки иш жойида тасдиқлатади (7-илова).

Фақат шу тартибда ёзиб олинган хотиралардангина ишда ҳужжат сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Кейинги босқичда битирувчи малакавий иши учун зарур материалларни йиғиш ва ўрганиш билан шуғулланади. Мавзунини ёритиш учун зарур материаллар сирасига биографик ва библиографик маълумотларни, ижодкорларнинг эълон қилинган асарларини киритиш мумкин.

Биографик маълумотларнинг ҳужжатли асосга эга бўлиши мақсадга мувофиқдирки, бунинг учун битирувчининг ижодкор оиласи билан алоқа боғлаши, ЗАГС архиви, вилоят Давлат архиви, Ўлкашунослик ва Адабиёт музейи фондларидан фойдаланиши тавсия этилади.

Библиографик маълумотларни тўплашни ҳам ижодкор хонадонидан, унинг шахсий архивидан бошлаш тавсия этилади. Тузилажак рўйхат куйидаги уч бўлимдан иборат бўлиши мумкин:

- а) ижодкорнинг чоп этилган китоблари;
- б) вақтли матбуотдаги чиқишлари;
- в) у ҳақда фикр билдирилган манбалар.

Библиография қоидаларига риоя қилинган ҳолда тузилган рўйхатнинг малакавий ишга илова қилиниши унинг амалий аҳамиятини чандон оширади. Ижодкор хонадонидан топилмаган манбаларни бошқа жойлардан, хусусан, кутубхоналар, архив ва музейлардан қидириш тавсия этилади. Шунинг эса тутиш лозимки, Бобур номли кутубхона библиография бўлими ходимларидан бу борада қимматли маслаҳатлар ва амалий ёрдам олиш мумкин.

Тузилган рўйхат асосида материалларни синчковлик билан ўрганиш бу турдаги ишларнинг энг муҳим босқичларидан саналади. Битирувчи ижодкорнинг ғоявий-бадиий тадрижини, унинг санъаткорлик маҳоратини ёрқин намоён эта оладиган, ижодий мероси ҳақида атрофлича тасаввур бера оладиган манбаларни ажратиб олиши зарур.

Ажратиб олинган материаллар характеридан келиб чиқиб ишнинг структураси белгиланади. Адабий портрет характеридаги мавжуд ишлар кўриб чиқилса, уларнинг таркибий тузилиши асосан икки турли эканини кўриш мумкин бўлади. Буларнинг биринчисидан

тарихий-биографик ёндашув устунроқ бўлиб, ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти даврий боскичларга бўлиб ўрганилади: а) илк ижоди, б) 20-30-йиллардаги фаолияти, в) уруш давридаги ижоди ва ҳ. Иккинчи турида эса адабий-танқидий ёндашув устунроқ бўлиб, ижодкор мероси адабиётшунослик аспектида тадқиқ этилади: а) биографик маълумот, б) лирик асарлари, в) дostonлари, г) таржималари ва ҳ.

Битирувчи қўлидаги материаллар шу икки йўлдан қай бириси танланганида мавзунинг изчилроқ ёритиш имконини берса, шунисини танлаб олиш мумкин. Ишнинг структураси белгиланиб, тахминий режаси белгилангач, уни ёзиш ва ҳимоя қилиш қолади холос.

Обзор характеридаги ишлар адабий-тарихий ва адабий-танқидий йўналишларда бажарилиши мумкин.

Адабий-тарихий йўналишда бажариладиган ишларда муайян давр адабий жараёни, унинг муаммолари, ютуқ ва камчиликлари, ғоявий-бадий изланишлари умумий тарзда ёритилиши талаб қилинади. Тахминий мавзулар қуйидагича бўлиши мумкин: “XX аср бошларидаги Андижон адабий муҳити”, “XX асрнинг 20-йилларида Андижонда адабий ҳаёт”, “XX аср 30-йиллари Андижон адабий муҳити хусусиятлари” ва бошқалар. Мавзуларнинг ўзиёқ бу хилдаги ишларнинг ўзагини материал йиғиш ташкил қилишини кўрсатади. Материалларни, табиийки, архив ва музейлардан қидириш, бу борада кекса зиёлиларимиздан маслаҳат ва йўриқлар олиш мумкин. Шунинг ҳам айтиш лозимки, 50-йилларга қадар чоп этилган асарлар, вақтли матбуот нашрларининг ҳаммасини ҳам Андижондан топиб бўлмайди. Материал йиғиш учун илгари вилоят маркази бўлган Қўқон, Фарғона шаҳарларидаги архивлар, республикамизнинг марказий архив ва кутубхоналарида ишлашга ҳам тўғри келади. Бу нарса эса адабий-тарихий аспектдаги ишларни бажаришда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради: биринчиси — асосий контингентини қизлар ташкил қилган талабаларимизни ишга жалб этишнинг мушкуллиги; иккинчиси — бу хилдаги ишларнинг маълум харажатлар билан боғлиқлиги. Бир қарашда, биринчи муаммони бир амаллаб ҳал қилиш мумкиндай туюлса-да, иккинчиси анчайин мушкул кўринади. Бироқ, бизнингча, астойдил ҳаракат қилинса, иккинчисининг ҳам иложини топиш мумкин. Зеро, юртининг фидойиси бўлган, маданият ва илму ирфон раўнақи учун қайишадиган ҳомийлар бордир, бўлмасалар, иншаоллоҳ, етишарлар.

Адабий-танқидий характеридаги ишларда эса бевосита вилоятдаги ҳозирги адабий жараён муаммолари ҳақида баҳс юритилади, янги пайдо бўлган асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари очиқ берилади ва баҳоланади. Тадқиқот объекти сифатида адабий жараённи бутунисича (масалан, йиллик обзор) ёки алоҳида бир соҳасини (масалан: проза, шеърят ёки драматургияни) олиш мумкин. Бу йўналишдаги диплом ишларининг мавзуларини “Мустақиллик даври Андижон шеъряти”, “Ҳозирги драматургиямиз муаммолари (Андижон драматурглари ижоди мисолида)” тарзида белгилаш мумкин. Мавзунинг ёритиш учун талабанинг ижодкорлар билан мулоқотда бўлиши ёки улар орасида анкета саволлари тарқатиш орқали социологик тадқиқот ўтказиши тавсия этиладики, бу унинг муаммога чуқурроқ киришига ёрдам беради.

Текстологик ишлар. Юқорида айтилганидек, ижодкорларимиз хонадонларида, музей фондларида ҳалигача ўрганилмаган қўлёзмалар мавжуд. Боз устига, айрим хонадонларда номлари элга шоир сифатида танилмаган зиёлиларимизнинг дафтарлари сақланади. Шуларнинг бари текстологик йўналишдаги ишларнинг объекти бўла олади.

Таъкидлаш лозимки, текстологик йўналишдаги ишларни бажаришга жазм этиш учун битирувчи алоҳида малака ва билимга эга бўлмоғи лозим. Зеро, биз назарда тутатган қўлёзмаларнинг аксарияти эски ёзувда бўлиб, уларни ўқиш учун муайян тайёргарлик бўлиши керакки, “Эски ўзбек ёзуви” курсида олинган билим ва ҳосил қилинган малака бунинг учун етарли эмаслиги равшан. Демак, бу хилдаги ишларга

эски ёзувдаги қўлёзмаларни ўқиш малакаси бўлган битирувчиларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчи томондан, факультетимизда талабаларнинг қўлёзмалар билан ишлаш малакасини ўстириш учун тўғараклар ташкил қилиш, улардан алоҳида гуруҳлар ташкил қилиб, қўшимча машғулотлар ташкил қилиш имконияти мавжудки, бундан самарали фойдаланиш даркор.

Қўлёзмалар устида ишлаш тартибини, бу хилдаги ишларнинг илмий ва амалий аҳамиятини конкрет мисол ёрдамида кўриб ўтайлик. Маълумки, Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотларда унинг отаси — Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғлининг яхшигина шоир бўлгани, Расво таҳаллуси билан шеърлар ёзгани, шеърлари жамланган дафтар қизи Фойиқа Сулаймонова қўлида сақланиши қайд этилади. Бироқ бу қўлёзма ҳалигача жиддий тадқиқ этилганича йўқ. Хўш, қўлёзмани тадқиқ этишнинг аҳамияти нимада? Ишнинг бажарилиши: биринчидан, ўтган аср бошида яшаган шоирни, унинг дарду қувончларини элга танитиш орқали адабий муҳит тарихининг бир қиррасини ёритади; иккинчидан, Чўлпондай забардаст шоир шаклланган муҳит, унинг адабиётга кириб келишига туртки берган омиллар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади. Шуларнинг ўзиёқ мавзунинг актуаллигидан етарли шохидлик беради назаримизда.

Тадқиқотни, фикримизча, қўлёзмани ҳозирги ёзувга ўгириш — транслитерация қилишдан бошлаган маъқул. Бир қарашда бу оддийгина техник юмушдай кўринар, аслида эса анча мураккаб ва машаққатли ишдир. Чунки мадраса таҳсилани олган одам қўлёзма-сида арабий-форсий сўзларнинг кўп учраши, айрим саҳифаларнинг йиртилган, ёзувлари хиралашган, ўчиб кетган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Табиийки, талабанинг олдида шу каби ўринларни тиклашга уриниш, арабий-форсий сўзларни тўғри ўқиб, тўғри ўгириш, уларнинг маъноларини топиш сингари вазифалар кўндаланг бўлади.

Қўлёзмани ҳозирги ёзувга ўгириб бўлгач, талаба уни атрофлича ва чуқур ўрганади, малакавий ишнинг структурасини белгилайди, тахминий режасини тузади. Ишнинг тахминий режаси қуйидагича бўлиши мумкин:

I. Кириш

II. Сулаймонқул баззоз ва унинг қўлёзмаси ҳақида. Сулаймонқул баззоз ҳақида биографик маълумот. Қўлёзманинг умумий тавсифи: қачон ва ким томонидан кўчирилган, қайси ёзув услубида кўчирилган, сақланиш ҳолати, ҳажми, таркибидаги шеърлар сони, уларнинг жойлаштирилиш тартиби, жанрлар бўйича таснифи.

III. Анъана ва янгилик. Классик шарқ шеърятининг Сулаймонқул баззоз шеър-иятига таъсири. Жанрлар, образлар, ғоявий мотивлар. Жаҳидчилик, жаҳид матбуотининг таъсири, мазмундаги новаторлик масаласи.

IV. Қўлёзмадаги шеърларнинг бадиий хусусиятлари. Шоирнинг образли тафаккур даражаси. Шеър техникасини қай даражада эгаллагани. Шеър санъатларидан фойдаланиш маҳорати. Ритмик-интонацион хусусиятлари.

V. Хулоса.

Бизнингча, малакавий иш устида ишлаётган битирувчи қўлёзмани нашрга тайёрлаш ишларини ҳам бирваракай бажариши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун талаба шоир ижоди ҳақида ёрқин тасаввур берувчи, бадиий жиҳатдан яхши савиядаги шеърларни ажратиб олиши, уларнинг ёзилишини аслият билан қайта-қайта қиёслаши, зарур ўринларини изоҳлар билан таъминлаши талаб қилинади.

Андижон адабий муҳитини ўрганишга қаратилган малакавий ишлар ичида **библиографик** ишлар катта амалий аҳамият касб этиши мумкин. Бир қарашда бундай ишларни бажариш жўндай кўринса-да, талабадан жуда катта меҳнатни талаб қилади. Мисол тариқасида “1970-80 йиллар Андижон адабий муҳити (Библиографик обзор ва кўрсаткич)” номли мавзунини олайлик. Бу мавзунини танлаган битирувчи кўплаб газета-журнал таҳламли-

рини, библиографик қўлланмаларни кўриб чикиб, иш учун зарур материаллар йиғади. Йиғилган материаллар асосида библиография қоидаларига катъий риоя қилган ҳолда рўйхат тузилади. Рўйхат қуйидаги тартибда тузилиши мумкин:

I. Бадиий асарлар:

- а) чоп этилган китоблар,
- б) республика матбуотида эълон қилинган асарлар,
- в) вилоят матбуотида эълон қилинган асарлар.

II. Адабиётшунослик:

- а) монографиялар, илмий мақолалар тўпламлари;
- б) республика матбуотидаги андижонлик ижодкорларга бағишланган мақола ва тақризлар,
- в) андижонлик адабиётшуносларнинг республика матбуотидаги мақолалари,
- г) вилоят матбуотидаги мақола ва тақризлар.

Материал характеридан келиб чиққан ҳолда рўйхат тартиби ўзгачароқ бўлиши ҳам мумкин, албатта. Масалан, бадиий асарлар бўлими ўз ичида шеърят, наср, драматургия бўлимчаларига ажратилиши мумкин. Адабиётшунослик бўлимида берилган асарларга қисқача аннотация берилиши лозимки, бунинг учун улар билан танишиб чиқиш даркор.

Рўйхат тузиб бўлингач, битирувчи ўзи ўрганаётган давр учун библиографик обзор тайёрлайди. Библиографик обзорда йиғилган материаллар тасниф этилади, матбуотнинг адабий жараёни ёритиш борасидаги фаолияти таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлари очиқ берилади. Библиографик ишларнинг таркибий тузилиши қуйидагича бўлиши тавсия этилади:

I. Сўз боши.

II. Библиографик обзор.

III. Библиографик кўрсаткич.

IV. Кўрилган манбалар (газета, журнал, кўрсаткич ва б.) ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Андижон адабий муҳитини ўрганишга бел боғлаган битирувчиларимиз имкон қадар фаол бўлишлари, ўзларининг мақолалари, илмий ахборотлари билан матбуотда чиқиб туришлари ниҳоятда муҳимдир. Зеро, фақат шундагина бу каби ишлар олдида қўйилажак асосий мақсадлардан бири — маҳаллий адабиётни тарғиб қилиш орқали унинг равнақига ҳисса қўшишга эриша олади. Бунинг учун эса имкониятларимиз етарли: вилоятда чоп этилаётган газеталар, вилоят радиоси ва телевидениеси билан алоқа боғланса, улар, ишончимиз комилки, бундай хайрли ишдан четда турмаслар. Ҳатто, ҳомийлар топилса, “Андижон” нашриёти билан ҳамкорликда ижодкорларнинг хануз номаълум қолиб келаётган асарларини, номлари унутилаётган шоирларнинг тўпламларини чоп этиш ҳам мумкин. Бу гапларимиз хом хаёлдай туюлар, эҳтимол. Бироқ, унутмангки, ҳар ким ниятига яраша бўлади, дейдилар. Бас шундай экан, кўнгилга эзгу ниятларни тугиб, иш бошлашимиз керак, холос.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети

Ўзбек адабиёти кафедраси

АБДУЛЛА БОТИРОВ

“Лирик қаҳрамон — тарихий шахс”

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий раҳбар: филология фанлари
номзоди Ҳ.Каримов

Андижон — 2002

2-илова

“Ҳимояга тавсия этаман”

Иш раҳбари: ф.ф.н. Ҳ.Каримов

“ ” _____ 2002

“Ҳимояга қўйишга рухсат
бераман”

Кафедра мудири: проф. Ҳ.Солиҳова

“ ” _____ 2002

“Ҳимояга тавсия этаман”

Расмий тақризчи: ф.ф.н. В.Қодиров

“ ” _____ 2002

“Давлат Аттестация Ҳайъатига
ҳимоя учун тақдим этаман”

Факультет декани: ф.ф.д. Д.Қуронов

“ ” _____ 2002

МУНДАРИЖА

I. Кириш	3-10
II. 80-йиллар шеъриятида тархй мавзу	11-25
III. Лирикада “эврилиш” ҳодисасига доир	26-40
IV. Лирикада тарихий шахс. Талқин ва тасвир	41-56
V. Хулосалар.....	57-60
VI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61-63

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- I.1. Каримов И.А.
 I.2. Каримов И.А.
 I.3. Каримов И.А.
 I.4. Алифбо тартибида давом этади.

II

II.1. Адабиёт назарияси: 2 жилдлик / академик М.Нурмухаммедов таҳрири остида.-
 Т.: Фан, 1978,1979

1-жилд.1978.-416 б.

2-жилд.1979.-449 б.

II.2. Адабий турлар ва жанрлар (Тарихи ва назариясига оид): 3 жилдлик. 1-жилд.-
 Т.: Фан,1991.- 334 б.

II.3. Арнаудов М. Психология литературного творчества.- М.: Прогресс, 1970.- 309
 с.

II.4. Боров Ю.Б. Эстетика.- 4-изд.,доп.-М.Политиздат, 1988.-498 с.

II.5. Алифбо тартибида давом этади.

III

III.1. Абдуазимова У. Севгимни кушлар ҳам билар // Туркистон.- 1984,- 20 окт.

III.2. Мирзаев М. Уйғоқ туйғулар // Шарқ юлдузи.-1984.-№5.- Б.86-89

III.3. Норбоев Б. Баҳс давом этиши керак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1982.-

7май

III.4. Алифбо тартибида давом этади.

IV


IV.1. Азимов Усмон. Дарс.-Т.:Адабиёт ва санъат,1986.-128 б.

IV.2. Даврон Хуршид. Болаликнинг овози.-Т.:Адабиёт ва санъат,1986.-160 б.

IV.3. Раҳмон Шавкат. Уйғоқ тоғлар.-Т.:Адабиёт ва санъат,1986.-192 б.

IV.4. Алифбо тартибида давом этади.

5-илова



(210x297 мм) ҳар бир саҳифада 28-30 сатр см
жойланиб, ҳар бир сатрдаги белгилар сони
(пробеллар қўшиб ҳисобланади) 58-60 та
бўлиши лозим.

Малакавий иш компьютерда терилганда
юқоридаги ўлчамлардаги рамкага Microsoft
Word дастурида 14 ўлчамли шрифт билан
сатр орасидаги интервал 1,5 қилиб ёзилади.

2,5 см

6-илова

Сатр ости изоҳлари

Малакавий ишда бирон бир асардан кўчирма олинса ёки бошқа муаллифларга тегишли фикр мазмуни ўзлашгирма гап шаклида баён қилинса, фактлар ёки рақамлар келтирилса, битирувчи уларнинг манбасини кўрсатиб ўтиши шарт. Манбани кўрсатишда турлича усуллардан фойдаланилади. Биз кўпроқ тарқалган усул — манбани сатр ости изоҳларида (сноска) кўрсатишни тавсия этамиз ва бунинг тартибини қуйида баён қиламиз:

I. Монографиялар, китоблар.

/афуров И. Лириканинг юраги.-Т.,1982.-Б.124

II. Коллектив монографиялар, тўпламлардаги мақолалар.

Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи // Ўзбек адабиёти тарихи масалалари.-Т.,1976.-Б.81

III. Журнал мақолалари.

Махмудов М. Шаффоф нилуфарнинг сири // Шарқ юлдузи.- 1982.- №3.-Б.162

IV. Газета мақолалари.

Норматов У. Кичик мўъжизалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1982.-19 март

Ўринсиз такрорлардан қочиш, қулайлик яратиш, соддалик ва қисқаликка эришиш учун қуйидагича усуллардан фойдаланилади:

I. Агар битта саҳифанинг ўзида асарга бир неча бор мурожаат қилинса, биринчи сафар тўлиқ ёзиб, кейингиларини қуйидагича кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

Шу асар.-Б.45

II. Боб ичида битта асарга бир неча бор мурожаат қилинса, биринчиси тўлиқ, кейингилари:

/афуров И. Кўрсатилган асар.-Б.76

III. Агар малакавий ишда(матн ичида) мақола муаллифи ва номи кўрсатилган бўлса, журнал ёки газетани кўрсатиш кифоя:

Шарқ юлдузи.-1982.-№3.-Б.162

IV. Агар малакавий ишда илгари кўрсатилган газета ёки журнал мақоласидан яна кўчирма олинса, матнда “шу мақолада”, “муаллиф фикрини давом эттириб ёзади” каби ишоралар бўлса, айниқса, бир мақола муаллифи билан баҳс кетаётган бўлса, манбани бир бора кўрсатиш кифоядир.

Саҳифа ости изоҳлари матндаги тартибига кўра рақамланади ва ёзилади. Бунда ҳар бир саҳифадаги изоҳларни алоҳида рақамлаш ҳам, малакавий ишдаги жами изоҳларни тартиби бўйича рақамлаш ҳам мумкин. Машинкада ёзилганда саҳифадаги изоҳлар сонига қараб пастдан жой қолдириш зарур. Бунда изоҳлар саҳифадагидан кичикроқ сатрлараро интервалда ёзилиши керак. Иш компьютерда терилган ҳолда бу нарса автоматик тарзда бажарилади, бунда сатр ости изоҳлари асосий матндагидан кичик ўлчамдаги шрифтда (мас., матн 14 ўлчамли, сатр ости изоҳи 10 ўлчамли) ёзилади.

Хотираларни расмийлаштириш

Битирувчи ёзиб олган хотиралардан ҳужжат сифатида фойдаланиш мумкин бўлиши учун уларни тубандагича расмийлаштириш тавсия этилади:

I. Хотира айтувчи ҳақида қисқача маълумот биринчи саҳифанинг ўнроғига сурилган ҳолда ёзиб қўйилади:

/Қобулов - 1928 йилда туғилган. Тошкент педагогика институтини тамомлаган, 40 йил Андижон шаҳридаги мактабларда дарс берган. Ҳозирги кунда пенсияда.

Андижон шаҳри, Саноат кўчаси 27-уйда истиқомат қилади. Телефон: 24-46-28

II. Хотира матни ёзилади.

III. Хотира матнининг охирида қуйидагича тартибдаги ёзувлар билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқ:

“/Қобулов хотираларини Дилором Каримова ёзиб олди”

Имзо. Д.Каримова

“Айтганларим қоғозга тўғри туширилган” Имзо. /Қобулов

“/Қобулов имзосини тасдиқлайман”

“Саноат” маҳалла

фуқаролар йиғини раиси: Имзо. М.Расулов

Мухр.

2002 йил 28 март